



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 181 (8171).

23 сентябрь, 1983 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин

БИЗ ҲАММАМИЗ— ПАХТАКОРМИЗ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети Янгийўл райони партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг 1983 йил пахта ҳосилини янги-териб олишда актив қатнашши юзасидан Тошкент области барча ветеранлари, пенсионерлари, уй бекаларига мурожаатини маълум қилди.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари Янгийўл район партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг ватанпарварлик ташаббусини кенг ёйиш бўйича ташкилотчилик ва тарғибот ишларини кенг амалда олиб бориш тасвир этилди.

Партия комитетлари, касба союз ташкилотлари ветеранлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш, уларнинг 1983 йил пахта йиғим-терими мавсумида

актив қатнашшиларини ташкиллаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш топирилди.

Партия, касба союз ва комсомол ташкилотлари партия, меҳнат, уруш ветеранлари ёшларини ватанпарварлик ва меҳнатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда, уларни пахта йиғим-теримида юқори унум билан ишлашга сафарбар этишда актив иштирок этиш чораларини кўришлари керак.

Область касба союзлари Совети, касба союз ташкилотлари йиғим-терим мавсумида актив қатнашган партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни мукофотлашнинг тантанали вазиятда ўтказиш топирилди.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ ПАРТИЯ, МЕҲНАТ ВА УРУШ ВETERANЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАРЧА ВETERANЛАРИ, ПЕНСИОНЕРЛАРИ, УЙ БЕКАЛАРИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ўроқлар, биродарлар, партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, азиз уй бекалари!

Кенг пахтазорларда мўл «оқ олтин» ҳосили учун курашнинг ҳал қилувчи босқичи — йиғим-терим қизғин кетилди. Ана шу долзарб кунларда азамат пахтакорларимиз зўр гайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганлар. Деҳқонларимизнинг олтин қўллари билан етиштирилган «оқ олтин» — серкуёш Ўзбекистонимизнинг, бутун совет халқининг шон-шухрати ва шарафидир. Озинг-овнат программасини бажаришга қўшилишда энг салмоқли ҳиссадир.

Пойтахт областининг қишлоқ меҳнаткашлари партиянинг XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўроқ Ю. В. Андроповнинг қўриқ-қамаллари ҳаётга тадбиқ этилиб, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитларида юксак ушшоқлик, сабот-матонат, маҳорат ва меҳнатсеварлик кўрсатиб ўн биринчи беш йилликнинг учинчи — марказий йилида қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарилишини таъминлайдиган даражада баракали ҳосил етиштирилди.

Аммо, доно халқимиз айтганидек, ҳосилнинг хирмондасини ҳисобидир. Белинган юксак марраларимизни муваффақиятли забот этиш етиштирилган бутун ҳосилни нақадар ушшоқлик, тезкорлик билан нес-нобул қилмасдан йиғиштириб олишимизга тўла-тўқис боғлиқдир.

Тошкент области қишлоқ меҳнаткашлари мўл ва эртани пахта ҳосили олиш, уни қисқа муддатларда йиғиштириб олишнинг таъминлайдиган илғор технология иноваторлари энгилари билан ҳақиқий равишда фахрлансалар арзийди. Бу йилда шонли дала гвардияларимизнинг хизматлари каттадир. Улар пахтазорларга «эангори кема»ларини олиб чиқдилар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди. Меҳаник-ҳайдовчиларга минглар теримчилар ёрдамга келганлар.

Азиз биродарлар, тенгдошлар! Бизнинг ҳар биримиз «оқ олтин» тақдир учун шахсий масъулиятимизни чуқур ҳис этишимиз, қалб амри билан бу йилги ҳосил учун олиб борилаётган курашда ўз ўрнимизни топишимиз зарур.

Бу долзарб кунларда биз ҳаммамиз — пахтакоримиз! Ана шу қизғин кунларда биз, ветеранлар қўл қовуштириб, умумхалқ курашидан четда тураолмаймиз. Йиғим-теримда иштирок этиб азамат пахтакорларимизга ҳоли-қудрат кўмаклашиш ҳар биримизнинг бурчимиз, оромуси ишимиздир.

Шунинг учун биз, Янгийўл районининг партия, меҳнат ва уруш ветеранлари пахта йиғим-теримида бевосита қатнашшга қарор қилдик. Қалб амрлари билан пахтазорларга чиққан шонли ветеранларимиз орасида шахсий пенсионерлардан У. Юсупов номли агроном таъбирласидан К. Маъмурбоева, «Коммунизм» колхозидан Ш. Бекматов, Ленин номи колхоздан В. Очлов, «Партия XXI съезди» колхозидан Т. Азимов, Х. Турсунқулов номи колхоздан Ю. Юсупов, Назарали Ниёзов номи колхоздан Х. Норқулов ва жуда кўп-кўп бошқа тенгдошларимиз бор.

Районимиздаги ҳар бир хўжаликда биладики кучи, белида қуввати бўлган, қалб пахта ишчи билан ёнаётган ветеранлар, пенсионерлар, уй бекалари теримчилар билан ёнма-ён ағдарларда туриб меҳнат қилаётганлар. Улар териб етиштирилган пахта хўжаликлари хирмонларига қўт-барак киритмоқда. Тенгдошларимизнинг кўпчилиги мавсумда 1000 килограммдан ва ундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» териб беришга азму қарор қилганлар.

Ҳозирги масъулиятли ва долзарб кунларда биз сизларга, Тошкент области партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, азиз уй бекаларига мурожаат қилоқдамиз! Коммунистик партиямиз ва совет ҳукуматимиз биз тўғримида қундалиқ улкан ғамхўрлик қилоқда. КПСС Марказий Комитетида партия ветеранлари билан бўлиб ўтган урғуш бунинг янги ёрқин далолатидир. Бу урғушда нутқ сўзлаган ўроқ Ю. В. Андропов ветеранлар куч-ғайратга тўлиб-тошган, юксак маънавий фаилларга соҳиб бўлган, Ватанга, партияга садоқат билан хизмат қилаётган кишилар деб таъкидлади. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бю-

роси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўроқ Ш. Р. Рашидов ветеранларнинг коммунистик бўёвдорлиги ишига, ёш авлодни тарбиялашга қўлаётган ҳиссаларини янада кучайтиришга даъват этди.

Шундай экан, қадрли тенгдошлар, бу куч-ғайратимизни, бурҷамизга, партияга садоқатимизни ҳозирги кундаги зарбдор фронтда — пахта йиғим-теримида кўрсатайлик.

Бир жон, бир тан бўлиб ўғил ва қизларимизга кўмаклашайлик, ибратимиз, намунамиз билан уларни меҳнат жасоратларида руҳлантирайлик. Ҳозирги ҳар бир ганимат кундан, ҳар бир соатдан унумли фойдаланайлик. Ҳаммамиз куз кузалигини қилишини яхши биламиз. Ўтган йиллардаги тақрибамиздан пешона терлари эвазига етиштирилган «оқ олтин»имизни сақлаб қолиш учун ҳосилни қор ва ёмғирли кунларда ҳам теришга мажбур бўлганлигимизни биламиз. Терим мавсумида оз бўлса-да суст-нашлликка йўл қўйиш ҳосилга путур етказиши, минглар кишиларнинг қаҳрамонона меҳнатини лутча чиқариши мумкин.

Ветеранларимизнинг ҳаммаси ҳам белига этан боғлаб, теримда иштирок эта олмасликлари мумкин. Аммо далада ҳар биримизнинг куч-қудратимизга яраша юмуш топилади. Кимдир теримчи ва меҳнаткорлар учун иссиқ овқат тайёрлаш, кимдир улар қўлига териб пилла чой тутиши, кимдир терилган пахтани хирмонда қўриштишга кўмаклашиши мумкин. Ҳулаас, терим мавсумида ҳаммамиз учун ҳам тегишли вазифа топилади. Биз шундай қилсак ёшларимиз асосан теримда бўлишад.

Қадрли дўстлар, тенгдошлар! Бизнинг бу даъватимизга барча ветеранлар, уй бекалари чин қалбдан лаббай деб жавоб беришларига, ўз ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажаришларига ишончимиз комил.

Шу кунларда биз ҳаммамиз—пахтакоримиз! Ҳамма — пахта теримига! (Бу мурожаат Янгийўл райони партия, меҳнат ва уруш ветеранларининг кенгашида қабул қилинган).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ти, қишлоқ хўжалик ҳодимлари касба союзлари район комитети ва район комсомол комитетининг кўмақи билан байроғи топирилди. Улар шарафига район марказида шон-шухрат байроғи кўтарилди.

шу кунгача 50—70 тоннадан пахта териб қўйилди.

РАЙОН маънавий хизмат кўрсатиш комбинатининг 60 нафар ишчи-хизматчиси пахта йиғим-теримида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишяпти. Улар «Кўкорол» совхозининг 6-бўлимида кунига 4,5—5 тоннадан «оқ олтин» теришмоқда. Зулхумор Султонова, Саида Турсунова, Барно Чингулатова, Нигора Файзуллаева сингари ишчилар кунига 140—150 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритишяпти. Комбинат ҳодимлари мавсум охиригача заршуносларга кўмаклашишга аҳд қилишди.

беш кунликда ҳам район хўжаликлари ўртасида гўлб-деб топилади. Беш кунда 6,44 процент миқдорда пахта тайёрланди. Мавсум бошидан буён йиллик планининг 14 проценти миқдорда пахта тайёрлаб қўйилди.

БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР

БўКА. Район пахтакорлари йиғим-терим кундан-кунга қизиб боришяпти. 21 сентябрь кун пахтазорларда 161 терим агрегати жаллон урди. Уларнинг ҳар бири билан ўртача беш тоннадан «оқ олтин» терилди. «Партия XIX съезди», Фрунзе номи колхозларда машиналарнинг иш унумдорлиги 8—9 тоннани ташкил этди. «Коммунизм» колхозидан Абдулла Омонтов, Жалмас Болотов, Жамбул номи колхоздан Эргаш Азиев, Фрунзе номи колхоздан Абдурахим Далабоев сингари дала гвардиячилари

ҚУДРАТЛИ МАШИНАЛАР

ЎРТА ЧИРЧИК. Ўтган кун «Ленин йўли» колхозидан 14 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилди. Алимат Холматов, Раҳим Исмолов, Эргаш Сафаров, Жўлан Пулатов сингари «эангори кема» капитанлари шу куннинг чинакам қаҳрамони бўлдилар. Улар «йўл» этаклардан 10—15 тоннадан «оқ олтин» туқиб, хирмонга барака киритдилар. Жўлан Пулатовнинг шу кунгача уйган хирмони 42 тоннадан ошиб кетди. Машиналар қудрати туфайли бу хўжаликда пахта йиғиб олиш суръати кундан-кунга ўсиб бораётган.

НАМУНА БЎЛМОҚДАЛАР

ЯНГИЙЎЛ. «Партия XXI съезди» колхоз пахтакорлари бу йил чинакамгина жасорат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Хўжалик сўғити

ГОЛИБЛАР ШАРАФЛАНДИ

ПИСКЕНТ. Ўтган кун район хўжаликлари ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақанинг дастлабки ўн кунлигига яқин ясади. Ленин номи колхоз заршунослари йиллик планининг 10,33 проценти миқдорда пахта тайёрлаб, гўлб бўлдилар. Хўжалик район партия комитети, район ижроия комите-



ЯНГИЙЎЛ районидagi «Коммунизм» колхозида бригадалар ўртасида ташкил этилган ўзаро социалистик мусобақага ҳар беш кунда якуни ясади. Хўжаликнинг тақрибали пахтакор, Ленин

ердин кавалери Раҳим Жалолов етакчилик қилаётган коллектив пахтакорлари сўғити беш кунлик гўлбни бўлишди. Уларга колхоз правлениеси партия, касба союз ва комсомол ташкилотла-

рининг кўмақи қизил байроғи берилди. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Қодирали Қоражонов бригада бошлиғига байроғини таширмоқда. В. Портнов фотоси.

ТАҚДИРЛАНДИЛАР

БЕКОБОД. Колпакова номи совхоз район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ҳодимлари касба союз райони комитети ва район комсомол комитетининг кўмақи билан байроғини қўлга киритди. Хўжалик пахтакорлари бу мукофотга сўғити беш кунлик йиллик планининг 15 проценти миқдорда пахта тайёрлашда иштирок этди. Маъсум бошидан буён 30 процентдан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Совхознинг энг илғор пахтакорига навабдан ташқари сипил автомашина берилди.



«ОК ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАНЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
22 СЕНТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планага нисбатан процент ҳисобида))

Область бўйича: 1,40 8,96 0,80 1,83

Янгийўл 1,50 10,69 0,24 1,00

Бекобод 1,56 10,58 0,24 0,52

БўКА 1,81 10,12 1,49 2,99

Коммунистик 1,51 9,40 0,79 1,96

Оқдўғон 1,45 9,39 1,13 3,04

Пискент 1,22 8,93 — —

Чиноз 1,11 8,25 0,30 0,60

Ўрта Чирчиқ 1,06 7,40 0,92 0,92

Ғалаба 1,19 5,93 1,24 3,70

Қадрли газетхон дўстлар! «Тошкент ҳақиқати» коллективини ўзининг кундалиқ фаолиятида Сиз, хўрматли газетхонларнинг, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, штатсиз авторларининг мадади, доимий иштирокига таяниб иш олиб бормоқда. Сизлардан келаятган ҳат-хабарлар областимизнинг кўп қиррали ҳаётини тўлароқ еритишга, меҳнат коллективларидаги ютуқ ва камчиликлари тезроқ илғаб олишга катта ёрдам бермоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнидагина редакция жойлардаги активлар, штатсиз авторлар, газетхонлардан қарийб 8 мингта яқин ҳат-хабар олди. Мавзу жиҳатдан ранг-баранг, хилма-хил масалаларга бағишланган ана шу хатларнинг санои 6 мингга газетга саҳифаларда етирилди.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси газетани янада сермазмун, гоёвий-бадий пухта ва ўқинишли, давр талабига ҳозиржавоб тарзда чиқариш йўлида ижодий изланишнинг давом эттирмоқда. 1984 йил учун янги ижодий режаларни тузиш арасида Сизларга яна мурожаат қилоқчимиз, олдимизда турган вазифалар билан таништириб ўтмоқчимиз.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам газетанинг асосий мавзусини партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил май ва ноябрь Пленумлари, 1983 йил июнь Пленуми қарорлари, ўроқ Ю. В. Андропов кўрсатмаларида келиб чиқадиган вазифалар билан боғланган материаллар ташкил этди. Аввалидаки редакция пойтахт области меҳнаткашлари мамлакат Озинг-овқат ва Энергетика программаларини бажаришга қандай ҳисса қўлаётганлиги ҳақида мунтазам ҳикоя қилиб боради. Партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида олиб бораётган идеологик, оммавий-сиёсий ишларни қандай тақомиллаштираётганлиги, меҳнат коллективлари ўртасидаги СССР қонуни ҳаётга қандай жорий этилётганлиги, партия ва ҳукуматимизнинг ҳамма жойда меҳнат нитиловини мустаҳкамлаш тўғрисидаги кўрсатмаларга қандай риоя қилинаётганлигини ёритувчи материаллар газетга саҳифаларида кенг ўрин олади.

Областимиз шонли ишчилар синфининг қаҳрамонона

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

меҳнати, уларнинг аҳоли кенг истеъмол товарларини қўлаб-қўллаш чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлидаги кураши, фидокор деҳқонлар, чорвадорлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг пахта, ғалла, гўшт, сут, туҳум, мева, сабзавот ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришдаги муттасил қўлайтириш учун олиб бораётган курашини изчил ёритиб бориш бундан кейин ҳам коллективнинг жангавор вазифаси бўлиб қолади. Аграрсаноат бирлашмалари ҳодимлари олдида турган янги-янги вазифалар, жойларда ёрдамчи, шахсий хўжаликлари ривожлантиришда тулпарлаётган бой тажрибалар газетга материалларда ўз ифодасини топади. Партия, совет, касба союз ташкилотларининг, хўжалик органларининг кўп қиррали ҳаёти, уларнинг социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш тажрибасига ҳам янада кенгроқ ўрин бериш ниятидамыз.

Келгус йил ҳаммамиз шонли сана — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганининг 60 йиллигини кенг ишонч билан кўриб-қарайлик, республикамизда ленинча миллий сиёсат тағинанас, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги буюк дўстлик ва қардошлиқнинг ажойиб самаралари ҳақидаги материалларга алоҳида ўрин берилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Коммунистик партия ташкилотининг жангавор отряди бўлган область партия ташкилотининг кенг қиррали фаолиятини ёрқинроқ акс эттиришдек гоёт шарафли ва масъулиятли вазифа эсимизда.

Партия ва меҳнат ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилди бевосита қатнашган кенга авлод вакиллари ҳақида кўпроқ ёзиш, уларнинг эсдалик ва хо-

тирларини эълон қилишни мўлжалламоқдамиз. «Ветеранлар ҳамон сафда», «Ветеранлар тақрибиси — ҳаёт мактаби» каби рубрикалар остида ёшларга мураббийлик, чинакам устозлик қилаётган табаррук кишиларнинг ҳаёти, ижтимоий фаолияти, ҳаёт хизматлари ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга қаратая қиламиз.

Областимизда аҳоли турмуш маданиятини муттасил юксалтириш, маданий-маънавий, медицина, савдо, коммунал хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш, қишлоқ ва посёлкаларини тинимай ободонлаштириш, аҳолининг маданияти ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш бора-бора катта ишлар амалга оширилямоқда. Сизларнинг янги ёрдамчилигини меҳнаткашлар турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган бу масалаларга бағишланган материалларини янада қўлайтирмоқчимиз.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқтартибот пропагандалашни қўлайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар, ахлоқ-одоб, тарбия мавзусидаги материалларни кенгроқ ёритишда Сизларнинг фаол иштирокинигиз биз учун жуда муҳим.

Пойтахт областимизда йирик фан, маданият ва санъат марказидир. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқотлар самараларининг ошириш учун кураш масалалари, олий ўқуш юртилари, илмий-тектириш муассасалари, мактаблар ҳаётини малакали ёритишда жамоатчи активларимизнинг доимий ёрдамчилиги умиддоримиз.

Меҳнаткашларнинг эстетик тарбиясида адабиёт ва санъатнинг роли, тасвирини алоҳида ҳисобга олган ҳолда ёзувчи ва шоирлар, ёш қаламкашларнинг илғи асарларидан намуналар, адабиёт ва санъат оламидаги муҳим

воқеалар ҳақида оператив материаллар мунтазам эълон қилиб борилади. Санъат янгиликлари, бадий ҳаваскорлик коллективлари ҳаётига бағишланган қизиқарли материалларни ташкил этишда ана шу соҳалардаги малакали мутахассислар, санъаткорлар билан ижодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаймиз.

Редакция фаолиятида жамоатчилик асослари янада ривожлантирилади, жамоатчи советлар, штатсиз бўливларнинг аъзоларига, турли касбга мансуб бўлган авторлар ҳамда ишчи-қишлоқ мухбирларининг мунтазам чиқиб туришларига кенг ўрин берилади. Газетда «Ахлоқ ва одоб», «Оқибат», «Газетхон мулоҳазалари», «Бир хат изидан», «Бир мавзуда икки марта», «Сўраган эдингиз», «Тошкент ҳақиқати» почтасидан, «Тошкент ҳақиқати» консултация бюросидан каби рубрикалар доимий бўлиб қолади.

Шу кунларда 1984 йил учун газета-журналларга обуна қилиш давом этмоқда. Жўладан, «Тошкент ҳақиқати»га ҳам обуна ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан редакция коллективини партия, совет, касба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик, корхона ва турли муассасаларнинг раҳбарлари, ишчи-қишлоқ мухбирларининг газетга обунага ўз вақтида ҳамда ушшоқлик билан ўтказишда ёрдам беришларига катта умид боғлайди.

Азиз газетхон дўстлар! «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлиш билан бирга унинг саҳифаларида босилаётган материаллар ва уларнинг гоёвий-бадий савияси, унуми мазмун ва тили, авторлар доираси тўғрисида, бундан буён газетда қайси масалаларга эътиборини қўлайтириш, қандай янги рубрикалар очиб, ёдан қўтарилиб қолган мавзулар ҳақида тақлиф ва мулоҳазаларингизни билдирсангиз миннатдор бўлардик.

Сизларга самимий хўрмат ва энг яхши тилаклар билан

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИОН КОЛЛЕГИЯСИ

ТАҚДИРЛАШ ҲАМ МЕҲНАТГА ЯРАША

Картошқачиликка ихтисослаштирилган С. Раҳимов номи совхоз деҳқонлари бу йил кувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳужалик тарихида биринчи марта давлатка картошка сотиш йиллик плани бажарилди. Тайёрлов пунктларига пландаги 2100 тонна ўрнига 2800 тоннадан зиёд картошка етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1370 тонна кўп, демекдир.

— Бу ишлаб чиқаришда бригада ва оила пудратининг кенг қўллашгани асосийдир, — дейди совхоз партия комитетининг секретари Сайфиддин Йўлдошев, — ўтган йил кўзда совхоз маъмурияти, партия ва касба-саноат комитетлари меҳнатназарисидан, аккорд-муқофот тизимидан ҳақ тўлашнинг яхлит бир системасини ишлаб чиқарди. Совхоз коммунистлари дала меҳнатчилари ўртасида бригада ва оила пудратининг афзалликлари ҳақида тушунириш ишлари олиб бордилар. Айниқса, биринчи бўлим партия ташкилотли олиб борган ишлар диққатга сазовордир.

Бўлимда бригада ва оила билан ҳар бир ишчи билан конкрет шартнома тузилди. Пудратчиларга белгиланган миқдорда ер, урулгик, техника, химикатлар акротиб берилди. Бўлим партия ташкилотли бригада ва оилаларда юқори ҳосил етиштирилишини таъминлаш ҳосидида катта ташкилотчилик ишларини олиб борди. Партия йиллиқларида бўлим бошқаруви, бригада ва зveno бошлиқларининг ҳисоботлари оштинди.

Бригадаларда оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар жонлантириб юборилди. Агитатор ва сиёсий ахборотчилар тез-тез турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турдилар. Сиёсий маориф

системасидаги машғулотлар ташкирчан, тушунарли, маҳаллий ҳаёт билан боғланган ҳолда ўтказилди.

Биринчи бўлим цех партия ташкилотининг ҳисобот-саноат йиллигида асосий шарт ҳақида сўз юритилди.

— Бригада пудрати ўзининг яхши самарасини беришти, — деди доклады партия бюроси секретари Турдали Жўраев, — бўлимимизда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш план ва социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилмоқда. Бунда коммунистларимизнинг салмоқли ҳиссалари бор. Масалан, коммунист Рустам Зоиров бошлиқ бригада аъзолари давлатга 7 тонна ўрнига

диқов. — Қаҳҳор Маҳатов бошлиқ оилавий зveno ҳосилдорлигини гектар бошига 180 центнерга, Мадусмон Мирзаев бошлиқ оилавий зveno эса 210 центнерга етказди. Айни кунларда эса 14 гектар майдондаги картошкани агротехника қондалари асосида парвариш қилинмиш. Ҳар гектардан камиди 200 центнердан ҳосил олишга қарор қилганмиш.

Бригада бошлиғи Пирназар Маназаров бригада ва оила пудрати усули ҳосилдорлигини ошириш билан бирга маҳсулот сифатини яхшилашга, даромадни кўпайтиришга ҳам ёрдам бераётганини таъкидлади. Меҳанизаторга ойна 175 сўмдан, сувчилар — зveno бошлиғига 160 сўмдан, ишчига 130 сўмдан иш ҳақи берилгилди. 50 гектар майдон бешта оилавий звеного бўлиб берилган. План гектар ҳисобига 110 центнер қилиб белгиланган. Пландан ортиқча топирилган ҳар бир килограмм ҳосил учун бригада азаматларига 18 тингидан муқофот тарикасида ҳақ берилди.

Бригадада 37 гектар эртаки картошкадан 160 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Айни пайтда 18 гектар майдонга экинган қочки картошка парвариши ҳам қизиган бормоқда. Агар ҳосилдорлик бригада бўйича 160 центнерни ташкил этса, меҳанизатор ортиқча маҳсулот учун 3462 сўм, сувчилар 3273 сўм, ишчилар 2571 сўм даромад оладилар. Бўлимдаги барча далачилик бригадада пудрат усули кенг жорий этилмоқда. Цех партия ташкилотли бу усулнинг омаллаштириш устида доимо ғамхўрлик қилиб келаяпти.

А. АБДУЛҲАҚОВ, «Оҳангар» газетаси ходими.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСБОТ ВА САЙЛОВЛАР

7,9 тонна пилла топширдилар. Коммунист Маматали Норбоев етакчилиги қилаётган бригада галлакорлари 530 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 15 центнердан хирмон кўтаришди. Сабзавот йиғим-терими ҳам ушшоқлик билан давом этаётган.

Ҳозирга қадар давлат қабул пунктларига 1050 тонна ўрнига 1300 тоннадан ортиқ картошка етказиб берилди, йиллик план муддатидан анча илгари уқумли меҳнат қилишлари учун қулай шартшароит яратилди. Ҳалол меҳнат қилиш Султон аканинг шахсий ҳаётида ҳам катта бахт келтирди. Ширин оила қурган отахон фарзандлари ардоғида сермизмун ҳаёт кечириётганлигидан беҳад мамнун.

Таърибли монтер қарилк пенсиясига чиққан бўлсада, ҳамон коллективда ишлашни давом эттирмоқда.

Ҳ. АҚҚАРОВ, Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг электромонтери.

ИШЧИ ҲАМКАСБИ ҲАҚИДА

БИР КОРХОНАДА 45 ЙИЛ

СУЛТОН ака Мансуровнинг Тошкент тўқимачилик комбинатида илк бор меҳнат фаолиятини бошлаганига 45 йил бўлди. Ўтган давр байинда у электр-монтерлик касбига ишлаб коллективда обрў-эътибор қозонди, кўпчиликка ҳалол инсон сифатида танилди.

Корхонамизда Султон акани ғамхўр ва меҳрибон мураббий сифатида ҳам беҳад ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас. У турли ўқув юртлирининг кечки курсларида ўқиш билан биргаликда комбинатимизда меҳнат қилаётган студент-ишчиларга устозлик қилиб келмоқда. Энг аввало унинг ўзи ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига қатъий амал қилиб, шогирдлари ва ҳамкасблари эътиборини қозонмоқда. Устознинг бу фазилатлари ўз зиммасидаги ойлик, квартал ва йиллик топшириқларини мунтазам

равнишда ошириб бажаришда кўл келмоқда.

Моҳир ишчи бир лаҳза ҳам тиниб-тинчимайди. Доимо изланишда бўлади. Унинг тақлифи билан корхонадаги кўплай электр тармонлари қайтадан жиҳозланди, ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шартшароит яратилди. Ҳалол меҳнат қилиш Султон аканинг шахсий ҳаётида ҳам катта бахт келтирди. Ширин оила қурган отахон фарзандлари ардоғида сермизмун ҳаёт кечириётганлигидан беҳад мамнун.

Таърибли монтер қарилк пенсиясига чиққан бўлсада, ҳамон коллективда ишлашни давом эттирмоқда.

Ҳ. АҚҚАРОВ, Тошкент тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг электромонтери.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛ ЯНВАРЬ — АВГУСТ ОЙЛАРИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	104,5	90,9	103,4
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,8	106,5	101,6
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	76,6	10,4	74,2
Маҳсулот реализация планини бажармаган корхоналар сони	6	1	29
Корхоналар умумий сонига нисбатан — процент ҳисобида	1,4	1,5	24,2
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,3	111,1	98,9
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	102,1	105,9	101,9
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	103,2	81,8	104,5
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	10	8	28
Корхоналар умумий сонига нисбатан — процент ҳисобида	1,5	11,9	23,3
Барча турдаги қалава ишлаб чиқариш — минг тонна	10,5	0,7	200,4
Қалава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	99,6	111,1	98,6
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр	134,7	—	1423,0
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	93,2	—	98,8

ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИГИ

Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти, барча категориядаги ҳўжаликларда пландан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга кирди:

Чорва ва парранда:	77,0	72,3	68
Сут:	70,5	72,9	79
Тухум:	62,7	71,9	69

1983 йил январь — августда қолхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорвачинг маҳсулдорлигини, тирик вазида сиёсий учун топирилган асосий чорва ва

парранда турлари:			
1983 йил январь — август ойларида, 1982 йил январь — август ойларидангига нисбатан процент ҳисобида	100,6	108	106
Йили соғиб олинган сут (шартномалар бўйича аҳолидан тўпланган ҳам ҳисобга кириди)			
1983 йил январь — август ойларида 1982 йил январь — август ойларидангига нисбатан процент ҳисобида	97	100,8	111
Товуқ туҳуми етиштириш			
1983 йил январь — август ойларида 1982 йил январь — август ойларидангига нисбатан процент ҳисобида	88	107	104
Ҳар бир соғин сугардан соғиб олинган ўртача сут миқдори			
1983 йил январь — август ойларида 1982 йил январь — август ойларидангига нисбатан процент ҳисобида	99,3	97	112
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача туҳум миқдори			
1983 йил январь — август ойларида 1982 йил январь — август ойларидангига нисбатан процент ҳисобида	98	97	100
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани — процент ҳисобида:			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	91	94	85
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	90	95	87
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)	64	58	58
САВДО			
Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиши, умумий оқватланиш ҳам ҳисобга кириди — процент ҳисобида	97,2	100,5	96,7
Шу жумладан чакана тармоқ товар-обороти	96,8	100,8	97,0
Умумий оқватланиш товар-обороти	100,4	101,2	97,7
АХОЛИНИ МАШИНИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Машиинг хизмат кўрсатиш жами планининг бажарилиш проценти	98,3	100,1	98,0
Шу жумладан шаҳарларда	97,5	100,7	99,0
Қишлоқларда	101,3	99,9	90,0

Болгарияда Сентябрь антифашист кўзғолонининг 60 йиллиғи

Утган аср охирида Димитр Благоев томонидан тузилган Болгария ишчи социал-демократик партияси, унинг марксизм оқими буржуазияга қарши синфий курашда муросаси бўлди. У болгар бериштейнчилиги ва халқаро оппортунизм билан кескин кураш олиб борар экан, пролетар интернационализм принципларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси деярли бутун Европани қамраб олган революцион ҳаракатнинг кутарилишига олиб келди. Болгарияда Октябрь тасвири билан ишчи социал-демократик партияси Болгария Коммунист партиясига айланди. У империалистик урушга қарши оммавий кураш бошлаб юборди. БКП болгар шариоитида большевик партияси таърифида қўлланишга ҳақарат қиларди. Аммо у пайтда ҳали БКП социалистик революция тўғрисидаги ленинча назария моҳиятини тўла тушуниб етмаган эди.

Мамлакатда Александр Стамболийский бошчилигида Болгария деҳқончилиги халқ иттифоқи ҳукумати тузилди. Бу ҳукумат буржуазия ва шўх маيفаатларига бир мундир қалбақдан қўйиб қўйди. Лекин у ҳукуматни танҳо деҳқончилик халқ иттифоқи бошқаришини етказди. Бу капиталистик эксплуатацияга қарши, демократия ва социал тараққиёт учун курашда ишчи ва деҳқонларнинг бирлашмишига тўқнаш қиларди. 1923 йил 9 июнда Болгарияда фашист тутириши бўлиб берди. А. Стамболийский ўлдирилди, мамлакатда прогрессив кучларга қарши оммавий террор бошланди. Болгариянинг кўп

гина районоларида деҳқон ва ишчиларнинг стихияли чиқишлари бошланди. Вироқ, уларга сиёсий раҳбарлик бўлмаганили учун бу чиқишлар мағлубиятга учради.

Болгарияда ички сиёсий вазиятнинг ривожланишини диққат билан кузатиб турган Коминтернинг Иккинчи қўмитети БКП Марказий Қўмитетига фашист тутиришини қанчалик характерли ва оқибатларини тушунириб

тўлабаси бўлди. Бу иттифоқ ишчилар ва деҳқонлар биргаликда олиб борган жангларда қон билан мустақкамланди.

Мамлакатимизда фашизм ҳўкморлиқ қилган оғир даврда партиямиз қатъий давлат иш олиб борди. У Болгариянинг миллий мустақиллигини сақлаб қолди ҳамда армияни реакция қўролига айлантиришга қарши курашди. БКП миллий маданият

нинг аччиқ сабоқларидан таълим ҳўласа чиқариб, Сентябрь кўзғолонининг энг муҳим ғалабаларидан фойдаланилар ва ишчилар синфидеҳқонлар, армия, халқ энг лиларининг илғоқ кўчларини бираштиради. Узоқ давом этган кураш жараёнида Ватан фронти тузилиб қардош Кизил Армиянинг бевосита ёлғамилда 1944 йил 9 сентябрга халқ қўролли кўзғолонининг ғалабаси таъминланди.

1944 йилги социалистик революция ғалабасидан сўнг БКП Ватан фронти байроғи остида барча демократик кучларни тўплади ва мустақкам халқ демократик давлати тузди. Партия мамлакатда индустриаллаштириш, қишлоқ ҳўжалигини кооперациялаш, маҳаллий революцияга муваффақиятли раҳбарлик қилди, социализм қурилишини умумхалқ ишига айлантирди. Қисқа тарихий лаво ичида қолқар Болгария халқининг эркин меҳнати ва Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами тўғрисида саноат жихатдан тараққиёт этган социалистик давлатга айланди. У тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашдаётган мамлакатларнинг биринчи сафида туришти. Бугунги Болгария курашда чиқиққан Коммунист партия бунёдкорлик ва ўзгаришувчанлик ижодий кучининг ёркин далолатидир.

Костадин БАЙЧИНСКИЙ, БКП Марказий Қўмитети хузуридаги БКП тарихий институт директорининг ўринбосари, профессор.

(София-пресс-АПН).

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

ПОЧТАМТ ЯНГИ

БИНОГА КЎЧДИ

Ўзбекистоннинг эски алоқа корхонаси — Тошкент почтабинтнинг қўдимлари янги бинога кўчиб қайтарилди. Ўзгал бино комплекси республика пойтахтидаги марказий кўчалардан бирини бесади.

Бино безакларида гранит, мрамардан, бошқа замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилди.

Янги комплекснинг ишлаб чиқариш майдони 60 минг квадрат метрдан ошди. Бу ерда кенг телерадио, муомала заллари, телеграф, газетажурнал экспедицияси жойлашди. Меҳнатни автоматлаш ва механизациялаш юксак даражада бўлганлигидан миқозларга хизмат кўрсатиш учун зарур нақтани гойда қамайтириш мўмкин бўлади. Ойтахт аҳолиси учун сўзлашув кабинллари ва автомат телефонлар сони икки баравар кўпайтирилди. «Таъриф қилиб олингунча» белгил хатларни топшириш, юборилдиган пулни қабул қилиш ва бериш, посылка бериш, бошқа почта операцияларини бажаришда банд бўлган операторлар сони ҳам кўпайди.

Янги почтама бир кунда 5 мингтадан кўп хатни, 2 мингтадан кўп посылкани, 23 мингга яқин газет ва журнални ишловдан ўтказишга мўлжалланган. Бу ерда телеграмма ва посылкаларни уйлارга кечую-кундуз етказиб бериш ташкил этилган.

(ЎзТАГ мухбири).

(ЎзТАГ мухбири).

ЧИРЧИҚ ШАҲРИНИНГ МЕХНАТКАШЛАРИ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ДЕҲҚОНЛАРИГА ЎН ИККИ КЎЧМА РЕМОНТ УСТАХОНАЛАРИНИНГ ҚУРТИРИЛДИ

Чирчиқ шаҳридаги катта-катта саноат корхоналари — Чирчиқ трансформатор заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар терим мавсумига тайёргарлик чоғида Энгельс ном.

ТАСС фотохроникалари.



Бугун Монголия Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги кўнллари пайтида қандай тадбирлар ўтказилади?

— Бу кўнлар даврида монгол дўстларимиз республикамизга хайти билан ҳар тарафлама танишиш имкониятига эга бўладилар. Улар ақияда 2 минг йиллик юбилейини тантанали ишонланган Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар, театр ва музейларда бўладилар. МХР кўнлари қатнашчилари пойтахтдаги ва Тошкент областидаги кўпгина йирик саноат корхоналари коллективлари, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ва мутахассислари, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашадилар. Шунингдек, уларнинг Самарқанд, Навоийда, Бухоро ва Қўрақонистон АССРда бўлишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

— Анъаналар кўра дўстлик кўнллари пайтида маҳаллий алоқаларга кенг ўрин берилади. МХР кўнлари даврида республикамиз меҳнаткашлари монголиялик санъаткор

ли, Свердлов номли, Куйбишев номли қолхозлар ва бошқа ҳўжаликларнинг деҳқонлари учун 22 та пахта тегиш машинасини ремонтдан чиқардилар, дала шийпонларига сув ташийдиган олтин машинани деҳқонларга топширдилар.

(ЎзТАГ мухбири).


(ЎзТАГ мухбири).

ЕРИМИЗ ТУТАШ, ДИЛИМИЗ ТУТАШ

— МХРнинг Ўзбекистондаги кўнллари пайтида қандай тадбирлар ўтказилади?

— Бу кўнлар даврида монгол дўстларимиз республикамизга хайти билан ҳар тарафлама танишиш имкониятига эга бўладилар. Улар ақияда 2 минг йиллик юбилейини тантанали ишонланган Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар, театр ва музейларда бўладилар. МХР кўнлари қатнашчилари пойтахтдаги ва Тошкент областидаги кўпгина йирик саноат корхоналари коллективлари, илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ва мутахассислари, қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашадилар. Шунингдек, уларнинг Самарқанд, Навоийда, Бухоро ва Қўрақонистон АССРда бўлишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

— Анъаналар кўра дўстлик кўнллари пайтида маҳаллий алоқаларга кенг ўрин берилади. МХР кўнлари даврида республикамиз меҳнаткашлари монголиялик санъаткор



СҮЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЯНА ДЎСТЛАР БАҒРИДАМИЗ

Абдуракмон ал-ХОМИСИЙ, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин муфототи билан таърифланган. БУНДАН роса 25 йил муқаддам Осиё ва Африка мамлакатлари, ёзувчилари, Тошкентда тўпланиб, империялик эътибори қарши қўйилган мустаҳкам жиспалашига қатъий аҳд қилган эдилар. Биз икки китъа адаблари ана шу тарихий воқеага чорак аср тўлишини нишонлаш билан бир қаторда, адабий ҳаракатимиз қўлга киритган муайян ютуқларни эътироф этгани ва қозирги мураккаб шaroитда биргаликда бақарашимиз лозим бўлган ишларни белгилаб олиш учун яна бу ерга тўпланмоқдамиз.

Ҳозирги Беговта дунёнинг тақдирини бутун ер юзидан мав-

жуд бўлган тараққийларав кучларини тағин ҳам мустаҳкам бирлашишга ундамоқда. Америка империализми ва унинг ҳомийлигидаги ёзув кучлар тинчлик, халқлар озолиги ва оқоийшталлигига қатъий аҳд қилган бир пайтда биз, ёзувчилар ўзимизнинг даъваткор овозимиз билан она-сайра-мида тинчлик ва адолатнинг барқарор бўлиши учун фаол кураш олиб боришимиз, ўз асарларимизга ана шу руҳини сиғдиришимиз керак. Шу маънода Тошкентда бошланган Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII конференцияси жуда муҳим аҳамиятга эга.

Адабиёт — ҳақиқат ва халқнинг кўзгусидир. Кишиларнинг ҳаёти ва орзу-истаклари адабий-бадний асарларда тўла маънода ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқининг оғир ўтмиши ва Совет ҳокимияти давридаги ижтимоий тараққийини биз унинг истеъдодли адаблари томонидан яратилган энг яхши асарлар орқали билиб ололмоқдамиз ва бу муваффақиятларнинг сабабини ўрганиб келмоқдамиз. Мисоллар респуббликангиз ҳаётига жуда катта ҳавас билан қарайдилар, чунки бизнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тараққийёт боши берк кўчага кириб қолди. Шунинг учун ҳам совет кишиларининг бахтиёр ҳаёти, уларнинг қўлга киритган муваффақиятлари — мисрликлар учун жуда ҳам юксак идеялар.

Ҳозир мен тарихимиз ҳолини қамраб олинган янги асаримни ёзаётirman. Мен ўзимнинг паст-баланд ҳаётимда юзлаб тақдирини одамларга дуч келдим, турли қийинчиликларни бошдан кечирдим. Лекин ҳар қандай оғир шaroитга тушган пайтда ҳам ёруғ кун албатта, келишига умид боғладим, бунга қатъий ишондим. Мазкур асаримда ана шу қаби инсоний тўғулур ўз ифодасини топади. Шу билан бир қаторда янги шеърлар, хусусан, рубоийлар ёзаялган. Янги шеърини китобимни «Рубоийлар. Тафаккур ва юрак ақли» деб номлайман. Яқинда унга дostonдан «Борат китобим» Чехословакиянинг «Ансамбль» нашриётида беш тилда чоп этилди.



Осиё ва Африка ёзувчиларининг ҳаракати жуда катта ижтимоий кучдир. Ёзувчилар бутун ер юзидан тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар озода ва эркин яшашлари, империализм, ирқчилик ва бошқа реакцион кучларга қарши бундан кейин ҳам қўлини-қўлга берорда янги шеърлар, хусусан, рубоийлар ёзаялган. Янги шеърини китобимни «Рубоийлар. Тафаккур ва юрак ақли» деб номлайман. Яқинда унга дostonдан «Борат китобим» Чехословакиянинг «Ансамбль» нашриётида беш тилда чоп этилди.

А. Аббас-хасмис

Муҳаммад Азиз ЛАХБАБИ, (Марокко)


ЎҒЛИМГА

Ўғлим, тирик қолишинг керак! Бунинг учун тозалаш лозим. Ер, сув, ҳаво — бари-барини. Парчаламоқ лозим қўлликнинг. Юз, минг йиллик закирларини. Сenga ҳаёт ато этман, — Аканг, уканг бўлади, бироқ

бу ҳол лекин бахтсизлик эмас. Демак, у — душман!

Дахшат! Агар сенга ўргатишса: Боғларни, уйлари ёқини Қонга ҳеч жирканмай боқини.

Ўргатишса: дунёни Кутпага тўлдиришни, ўлдиришни. Одам ўлдиришни. Ўргатишса, сен ўргансанг, Ҳайро! Дахшат бу — Дахшат! Абдусанд КҶЧИМОВ таржимаси.



● НАРИМОНОВ шахрида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги дорихона ишга туширилди. У айни вақтда қўшни Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районлари меҳнаткашларига ҳам хизмат кўрсатади. Суратда: дорихона ходими Т. Каримов иш устида. Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).



Аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича олий лига вакиллари мамлакат чемпионатида яна тўрттадан учрашув ўтказадилар. Лекин шунга қарамадан, Борисполнинг «Колос» командаси биринчи марта мамлакат чемпионлигини деган юксак номга сазовор бўлди. «Политотдел» ўз майдонидан Шяулайнинг «Таурас» командасини икки марта 2:1 ҳисобида мағлубиятга учрат-

нинг учун, албатта, дархат кесилди.

— Бизнинг районимиздаги ўрмонлар жуда ноёб, — дейди «Бурчмулла» ўрмон хўжалигининг директори Абдукарим Абдуқасимов, — Шу сабабли дархат ўйда турган биронта бутани ҳам кесиб ташланмади. Чунки, тоғ шароити бўлганлиги учун суришди, ювляш, қўччи ҳоллари юз бериши мумкин. Дархат ва буталар эса бунинг олдини олади. Аммо баъзан яширин ҳолатда дархатларни кесиб ҳоллари рўй берпти.

Шундай экан хонадонларнинг умумий тарзда ёспасига кўмир билан таъминлаш хусусида янги билим олиниб келиш қўлини ташлаб этилади. Ўрмонларимиз — нодир бойлигимиздир. Уни авайлаб-асраш Ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Бундай хайрли ишга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Ҳар бир хўжалик, қорхона, ташкилот ва муассасада, у киши ёки катта бўлишдан қатъий назар, табиатни қўриқлаш жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилиб, табиатни авайлаб-асраш ишига жалб этилсин.

И. ПИРМЕТОВ, СССР журналистлар союзининг аъзоси. Бустонлик райони.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА
25, 26 сентябрь кунлари
«МУШТУМ» журналининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан

КУЛГИ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кечада «МУШТУМ» журнали ижодкорлари, авторлар, «табассум»чилар, Ш. ҒОЗИЕВ раҳбарлигидаги «ХАНДА» ансамбли, хонандалар, аскиячилар, қизқичилар ва бошқалар қатнашадилар. Кеча соат 20.00 да бошланади

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1983-84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучларни тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, ичкилашчи занжирли коммутиация бўйича электромонтажчи, автоматик ва контрол-ўлчов асбоблари режими бўйича слесарь, киномеҳаник (фильмларни текшириш ишларини билидиган), радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

Ўқиниш муддати — бир, икки ва уч йил. Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар. Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллашгани ва таълим ўрта маълумот олинганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқинишга кирганлар ҳар ойда 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия оладилар (киномеханик ва радиотелемеханик таъшиқари). Ишлаб чиқариш практикаси даврида топан меҳнат ҳақининг 33 проценти ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 проценти берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқинишга кирсалар, улар учун ўқиниш муддати қисқартирилади: — ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10,5 ой.

МАШҲУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАН-ГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртиларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар қороналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртиларига кириб ўқиниш давом эттириш учун йўланма билан юбориладилар.

Билим юртида яхши спорт баазаси мавжуд. 14 та спорт секциялари, шунингдек техника ижодиди, бадний ҳаваскорлик тўғрисидаги ишлайди.

АРИЗА ВА ХУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржима ҳоли, харахристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкиси, турар жойидан справка, отасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт) ҳарбий бўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 58, 66, 70, 79-автотуслар, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1983—84 ўқув йили учун ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎИЧЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: қурувчи дуратор, электр пайвандчи, йиғма темир-бетон конструкцияларининг пайвандчи-монтажчиси, автомашиналар ремоти бўйича слесарь, қурилиш бўёқчиси.

Ўқиниш муддати—3 йил. Шардоловчи-плиткачи-мозаникчи, қурилиш-бўёқчи, электр-пайвандчи.

Ўқиниш муддати—икки йил. Дуратор, қурилиш бўёқчиси, электр пайвандчи, гишт терувчи, монтажчи.

Ўқиниш муддати—бир йил. БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДА-ГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ҳақиди ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келганлар сўнг билим юртига кирган ўқувчилар 60 сўм ҳажмида стипендия оладилар. Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тугатганлар олий ўқув юрти ёки ўрта махсус ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқини берадиган диплом оладилар. Билим юртини «имтиёзли» диплом билан битирганлар олий ўқув юртига ва ўрта махсус ўқув юртиларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Билим юртида бадний ҳаваскорлик тўғрисида, фототўғарак, самбо бўйича секция, изостудия ва соҳа бўйича тўғараклар ишлайди.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.


АРИЗА ВА ХУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (яқинбадан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Бағратион кўчаси, 4-уй (17-автотусининг «Сўнгги бекати», 13-трамвайнинг 2-«Шимолӣ шарқ» бекати). Телефон 64-18-41.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
27 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА
Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланади. Бутуниттифоқ профессионал бадний коллективлар кўриғи—конкурс дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомол муфототи билан таърифланган лауреати
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА. Солистлар: Қўзибой Отажонов, Мавлуда Ойнақулова, Уктам Аҳмедов, Фируза Солиҳова, Маъмуржон Мадвалиев, Фируза Мирҳамидова, Нурилла Жумёзов, Раъно Жуманиёзова ва бошқалар. Ўзбек халқ қолгу асбоблари ансамбли Программани — Ўғил ИВОДУЛЛАЕВА олиб боради. «ЛАЗГИ» ансамблининг бадний раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ. Музика раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.



СИЗ ЭЛЕКТР
ҚУВВАТИНИ
ТЕЖАБ
САРФЛАЙСИЗМИ?
ОҚИЛОНА?
ТЕЖАБ-ТЕРГАБ?
ИҚТИСОД
ҚИЛИБ?

Сиз электр асбоблари, вентиляторлар, кондиционерларни бўлар-бўламасга ишлатасизми деган маънони аниглайди.

электр ёритиш ускуналарининг лампочкаларини, сиз ўзинингизнинг квартирангизда, зинапола даҳлизиди ва подвездеда ёқилган ҳолда қолдирмайсизми?

агарда сиз бинодан чиқиб кетаётган бўлсангиз, электр асбобларини ўчириб кетасизми?

сувини бўлар-бўламасга сарфламайсизми — чунки шаҳарга бериладиган бир кубометр сув 0.3 киловатт-соат электр қувватини ҳосил қилиш учун сарфланади.

Ўшанда ҳар бир тежаб қилинган киловатт-соат электр қуввати қуйидаги юмушларни бажариш учун бемалол етади:

ИККИ ЖУФТ ПОЯФАЗАЛ ТИКИЛАДИ. 10.5 КИЛОГРАММ ПАХТА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ. 20 КИЛОГРАММ УН ҚАЙТА ИШЛАНАДИ. 50 КИЛОГРАММ НОН ЕТИЛАДИ.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР», «СОЮЗТОРТЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ. (Телефон: 42-95-91).



ВУГУН
МТ-I, 9.00 — «Время», 9.40 — Концерт, 10.35 — «Тарих сабоги», бадний фильм, 12.00 — Фильм-концерт, 12.30 ва 15.00 — Янгиллик, 15.20 — Хужжатли фильм, 16.20 — Симфоник оркестр концерти, 16.45 — «Киноочерки», 17.05 — «Эртак ҳузурда меҳмондан», «Янги Гулливер», 18.35 — Волейбол бўйича Европа чемпионати, 19.05 — Киножурнал, 19.15 — «Дунё воқеалари», 19.30 — «Сиз яратган бот», 20.00 — «Эртага — прогностиклар кунини», 20.30 — Концерт, 21.30 — «Время», 22.05 — «Д'Артаньян ва уч мушкетёр» — Уч серияли телевизион бадний фильм, 1-серия, 23.35 — «Дунё воқеалари».

МТ-II, 9.00 — Эрталабки гимнастика, 9.15 — Хужжатли фильм, 9.35 ва 10.35 — Тарих, 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили, 11.05 — Ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиларига, Умумий биология, 11.35 ва 12.40 — География, 12.05 — «Қизил китоб нималар ҳақида ҳикоя қилади», 13.10 — Табиатшунослик, 14.10 — Қадимий Рус саныати, 14.40 — Илмий-оммобол фильм, 15.00 — Тарих саҳифалари, 15.45 — М. И. Глинка ижоди, 16.30 — Янгилликлар, 16.35 — Санъат усталари, 17.45 — «Отлар еридан», 18.35 — Янгилликлар, 18.55 — Хужжатли фильм, 19.15 — В. Шваркин, «Содда қиз», 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичикитойлар», 20.45 — Хужжатли фильм, 21.00 — «Хароқат ҳафсизлиги учун», 21.30 — «Время», 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати, «Динамо» (Киев) — «Зенит», 23.45 — Волейбол бўйича Европа чемпионати.

УТВ-I, 11.20 — Янгилликлар, 11.30 — Рус адабиёти, 12.00 — Боллар учун фильм, 13.00 — «Кантарлар», бадний фильм, 2-серия, 17.45 — «Ешлик студия кўрсатади, 18.15 — Ўтмир қон томир касалликлари нинг тез ёрдам хирургияси Бутуниттифоқ симпозиуми, 18.45 — «Шеъринг билан учрашув», 19.30 — «Ахборот», 19.45 — Хужжатли фильм, 20.00 — «Партия турмуши», 20.30 — «Ахборот», 20.50 — Эстрада концерти, 21.30 — «Время», 22.05 — «Дунё воқеалари», 22.35 — «Уруш ва тинчлик», 4-фильм, 00.05 — Янгилликлар.



ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IX да Ҳар тўқинчида бир айб, 24/IX да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IX да Хизматингизга таяёғимиз, 24/IX да Ишонмасанг ўламан.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аёл йирқичлар даврасида» аттракцион иштирокида Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30 да).

Медицина ходимлари касба союзи Тошкент об-ласт комитети коллектив комитет президиуми аъзоси, Улуғ Зафар уруш қатнашчиси, 8-дорихона муд-ри

Халил Толипович ТОЛИПОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билиб, марҳумнинг оила аъзолари-га таъзия ижор қилади.



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртилари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватаншарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

